

"М-39"да иш қизғин



Айни кунларда йўлсозларнинг ишлари авж олган. Сабаби ҳаво ҳарорати ортиши билан асфальтлаш ишларига киришилади. Айниқса, Дехқонобод тумани ҳудудидан ўтувчи халқаро аҳамиятдаги М-39 – "Алмата-Бишкек-Тошкент-Шаҳрисабз-Термиз" автомобиль йўли янада равонлашиб бормоқда.

Кун кеча ушбу йўлнинг 1258-1315 километрида Қашқадарё йўллардан мунтазам фойдаланиш унитар корхонаси томонидан асфальт-бетон ётқизиш ишлари олиб борилди. Объектнинг 1299-1300 километр оралигидаги 4400 м². ҳудуд тўлиқ асфальт-бетон ётқизилди.



Шунингдек, йўлнинг ўйдим-чуқурчалари ҳам таъмирланди, ётиқ йўл чизиқлари чизилди ҳамда эскирган йўл белгилари ўрнига янгилари ўрнатилди.

Айни пайтда мазкур йўлда автотранспорт қатнов хавфсизлиги таъминланди.

Бу ишларга эса 20 нафар ишчи-хизматчилар ҳамда 15 дона йўл қурилиш машиналари жалб этилди.

Автомобиль йўллари қўмитаси

Матбуот хизмати